



“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва устувор вазифалар” мавзусида маҳалла аҳоли вакиллари билан давра суҳбати ташкил этилди.



2022-йил 30-март куни Қумқўрғон туман "Арпапоя" маҳалласида жойлашган туман Халқ таълим бўлимига қарашли 39-сонли умумтаълим мактабида туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси ҳамда "Арпапоя"МФЙ ходимлари

ҳамкорликда “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва устувор вазифалар” мавзусида маҳалла аҳоли вакиллари билан давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбари Ш.Мамадиев бўлинма бош мутахассиси Ш.Жураева томонидан аҳолига мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни етказиш мақсадида тарғибот ишлари олиб борилди.

Давра суҳбатида 15 нафардан ортиқ "Арпапоё" маҳалла фуқаролари иштирок этишди.